

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси



- Онажон, яқинда муборақ ҳаж сафарига борибсиз, қутлуг бўлсин.
- Шукр болам. Оллоҳим ота-оналаримизга армон бўлган бахтга етказди. Мустақиллигимиз шарофати билан биздек кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан жуда хурсандимиз. Президентимизга раҳмат. Айниқса бу йилги ҳажга борувчилар учун қулай шароитлар яратилибди. Юртдошларимиз қатори муқаддас Маккага бориб келдик. Ҳажга табаррук жойда ватанимиз, юртбошимиз ҳаққида кўплашиб дуолар қилдик. Кўпничи ижобат бўлади, дейишган ахир. Кексаларнинг кўнглини олиш, улар учун бир йилни бағишлаш ҳам катта савоб, шундай эмасми?
- Келинларингиз ҳам, ўғилларингиз ҳам сизга «онажон» дея мурожаат этишаркан.
- Нимасини айтасиз. Шугилларим ҳар гал «онажон» дейишса, кўзларимга секин-секин ёшлар қалқайди. Тилларингиздан айланай,

ОНА ДУОСИ-ЛА НУРЛИДИР ОЛАМ...

Юзларидан нур ёғилиб турган мўътабар оналарни кўп учратганман. Уларнинг нурли юзларига боқиб, сеҳр тўла сўзларини тинглагим келарди. Бир кун келиб ўзим ҳам уларга ўхшаб кексайшми, фарзандлар роҳатини кўриб яшашни орзу қиламан.
Тошкентнинг Янгиобод маҳалласида яшовчи Тўхтахонопа Маликовага ҳам меҳрим тушди.
Тўхтахонопа 30 йил эл хизматида бўлди. Умр йўлдоши Латифжон ака муаллим эди. Улар турмушлари давомда уч ўғил ўстиришди. Фарзандларини меҳнатлари эвазига келган ҳалол ризқу-насибалари билан вояга етказишди. Яхши кунларидан қувонишиб, бориға сабр қилишди.
2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили
Ўғлонлар элу юртга муносиб ажойиб, ҳамма ҳавас қилгудек қобил фарзандлар бўлиб улғайишди. Ҳозир Тўхтахонопа парилардек уч келини, 12 набираси бор. Оллоҳ эвара кўришни ҳам насиб этган.
- Тўхтахонопа, уч келинингиз билан она-боладак тотув яшашингизга ҳамма ҳавас қилади. Ўзингизнинг ҳам қайнонангиз билан муносабатларингиз қандай эди?
- Қайнонам Муаззамхон жуда ажойиб аёл эдилар. Улар пазандна, озода, қўли гул чевар ҳам эди. Биз девор-дарминён қўшни бўлганмиз. 17 ёшимда эса шу қўшимизга келин бўлиб тушдим. Уч ўғлимни ҳам ўзим туғилиб ўсган шу маҳалладаги қизларга уйлантирдим. Қизим йўқ дер эдим, келинларимни қизларим, дея бағримга босдим. Фарзандларимиз яхши еб-ичишин, яхши ўқишин деб жуда кўп меҳнат қилганмиз, ҳамма шароитларни яратиб берганмиз. Ўзимиз ҳақимизда ўйламасдик ҳам. Болаларимдан минг бор розиман. Чунки истаганимиздек ўқимишли, меҳрибон, меҳнатсевар бўлиб ўсишди-да. Уларнинг кўнглига меҳр, яхшилиқ уруғини сочдик.

дейман. Оиладаги сизу бизликка не етсин? Оиламизда энг қадрланадиган бойлигимиз бу — бир-биримизга ширин лутфу муомаламиз бўлган. Бойлик йўлдан бўлганми, тиллоларга тенгсиз бир хазинамиз бор. У эрим раҳматликдан қолган тўрт минг дона ноёб китоблардир. Бу китобларнинг ичиде 1910 йилдан то шу кунгача чиққанлари бор.
- Фарзандларингиздан кўнглингиз тўлиб, фахрланиб гапираясиз. Уларнинг тарбиясида аввало нималарга эътибор бергансиз?
- Оилада аввало ота-онанинг ўзи болаларига ибрат бўлиши керак. Болаларим менга қанча ҳурмат-иззатда бўлишса, набираларим уларга қараб ўрناқ олишади. Ахир кўш уясида кўрганни қилади-да. Отаси ҳам болаларга меҳрибон эди. Бизнинг фарзандларимиз мактабдан фақат "5" баҳо олиб келишган.
- Ўтган ва ҳозирги ҳаётдан мамнун бўлган сиздек аёлда ҳам армон бормикан?
- Бор болам, чиройли орзу-армонларим бор. Набираларим ҳам бор дедим. Уларнинг ёш қалбларига меҳр билан заҳролик уйғунлашди. Шохроҳ исмли набирани ҳам ҳар йили туғилган кунимда неча ёшга чиқсам, шунча гул соғға қилади. Бу йил етмишга тўлдим. Шохроҳ эса 70 дона гул соғға қилди. "Юзга кирганингизда эса 100 дона гул олиб келаман", дейди набираним.
Илоҳ шулар бахтига юртимиз тинч бўлсин. Фарзандларимиз соғ-саломат бўлиб, оналар асти уларнинг доғини қўмасин.
Тўхтахонопа каби паримомларимиз бор бўлишини. Аналиқнинг асосий вазифаси элу-юртта муносиб фарзандлар ўстириши. Шуларни эллаган аёл бахтли. Сиз эса жуда-жуда бахтлисиз. Тўхтахонопа!
**Б.САЙДАЛИЕВА
М.КАРИМОВА**

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Иккинчи чақирик Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида сўзга чиқиб, давлат сиёсатининг бугунги стратегик тамойили "Кучли давлатдан кучли жамият сари" эканлигини таъкидлади.
Сессияда ўтган референдумнинг яқунлари ва мазкур масала бўйича депутатларга тақдим этилган конституцион қонун лойиҳаси эълон қилингандан кейин, мамлакатимиз раҳбари уни батафсил таҳлил қилиб, давлат ҳокимиятини ташкил этишининг асосий тамойиллари, қонунчилик фаолиятининг бош йўналишлари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.
- Референдум натижалари давлат сиёсий тизимини янада такомиллаштириш, бозор муносабатларини эркинлаштириш, том маънода фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича Ўзбекистон танлаган йўлни халқимиз қўллаб-қувватлаётган дейишга асос беради. Лекин умумхалқ референдуми яқунлари конституциямизда ўз аксини топмаса, у ҳақида муаллақ қолиб кетади, - деди Ислам Каримов. Шу боис муҳокама учун тақлиф этилган ҳуқуқий ҳужжат мамлакатимиз Асосий Қонунига ўзгартиришлар киритиш имконини беради.
Икки палатали парламент ҳозирги Олий Мажлис таркибининг ваколат муддатлари тугагандан кейин шакллантирилади. Сайловдан сўнг Олий қонун чиқарувчи орган қонунларни ишловчи ва қарул қилувчи доимий равишда фаолият кўрсатувчи қўйи палатадан ҳамда юқори палата - республика минтақаларидан сайланган халқ вакиллари ўз ичига олган Сенатдан иборат бўлади. Юқори палата қўйи палата томонидан қабул қилинган қонунларни кўриб чиқиш, тасдиқлаш ёки рад этиш, ўз минтақалари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳужжатларга тузатишлар киритиш билан шуғулланади. Сенат Республика Президентининг айрим ваколатларини ўз зиммасига олади. Бундай ижодий жараён қабул қилинадиган қонун ҳужжатларининг сифатини оширади, пухта ишланмаган қонун лойиҳаларига чек қўяди, демократик муҳитни сезиларли даражада кенгайтиради ва авторитаризм йўлини тўсади.
Ўйлайманки, янги парламент авторитар бошқарув ривожига барҳам берадиган

қонунларни қабул қилади, - деб таъкидлади мамлакатимиз раҳбари. - Аммо биз қўл қовуштириб қутиб турмаслигимиз лозим, чунки салбий ҳодисалар ҳозирдаёқ жамият ҳаётига таъсир кўрсатмоқда. Шу боис қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимояси, сўз ва матбуот эркинлиги бугунги куннинг долзарб масалалари бўлиб турибди. Агар биз очиқ ҳуқуқий давлат қуришни истасак, ўз ишимизга танқидий баҳо бериб, илгор демократик мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, халқаро ташкилотлар билан биргаликда эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришимиз керак.
- Кучли давлатдан — кучли жамият сари, деган давлатимиз нимани аналтади, - деди Ислам Каримов. - Мен буни давлат идоралари ҳокимиятининг маълум бир қисминини ўз-ўзини бошқариш идоралари (махалла кенгашлари) ва фуқаролик жамияти институтларига аста-секин топширишди, деб тушунаман. Ҳар қандай давлат тизими ўз ҳукмронлигини намойиш этишга ва ҳамма вақти-вақти билан текшириб ва назорат қилиб туриш орқали қўл остида қилар ва уларга тобе тузилмаларга ҳар хил йўллар билан таъиқ ўтказишга интилади. Қўллаб суиистеъмолликлар, коррупция, порахўрлик ҳолатлари ва бошқа салбий ҳодисалар айнан шундан келиб чиқади. Бу билан муроаса қилиб бўлмайдди, бунга қонунчилик каби ҳимоя дастакларини қарши қўйиш керак.
Шу сабабли ҳам депутатларга нодавлат жамоатчилик тузилмаларини ривожлантириш тўғрисида қонун ишлаб чиқишни тақлиф этмоқчимиз, - деб сўзида давом этди Ислам Каримов. - Бу қонунга ҳусусан, нодавлат ва жамоатчилик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш бўйича жамғармалар тузиш ҳуқуқини киргизиш лозимки, бу тузилмалар ўз наватбатида ҳокимият сиёсий ва ижтимоий фаолигини оширишга имкон бериши, омманни ўз-ўзини бошқарув идоралари ишига жалб этсин. Давлат бюджетини кўриб чиқишда ушбу ташкилотлар мустақил бўлишлари ва ўз фаолиятларини қонуний олиб боришлари учун уларни молиялаштиришни ҳам кўриб чиқиш керак бўлади.
"ТУРКИСТОН-ПРЕСС"

ҚИПЛОҚДА МОДЕЛЕРЛАР КЎТАЙМОҚДА

Оқ олтин туманида хотин-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.
- Ёшлар ўртасидаги ишсизлик муаммосини бартараф этиш учун туманда "Жамила" бичиш-тиқиш марказий бўлимини очдик, - деди туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ойдин Асророва "Туркистон-пресс" мухбирига. - Бундан ташқари, ёшларни касб-хунарга йўналтириш бўйича ҳокимлик қабул қилган дастурда мактабларни битираётган қизларга бичув-тиқув касбинини ўргатиш кўзда тутилган эди. Ташаббусимизни "Жамила" маркази раҳбари Жамила Мамашарипова қўллаб-қувватлади.
О. Асророванинг таъкидлашича, дастлаб "Жамила"га моделер бўлишни орзу қилган 27 нафар қиз-жувон жалб қилинган. Уларга юқори малакали мутахассислар

касб сир-асрорларини ўргатишган. Қизлар қисқа вақтда бичув ва тиқув ишлари учун зарур бўлган малакани эгаллаб олингиларини намойиш этган, битиручиларга бичувчи-тиқувчи моделер деган мутахассислик дипломи берилган.
- Тумандаги бир вақтлар анча доврўғи дoston бўлган "Каррера" Ўзбек-Италия қўшма корхонаси кейинги йилларда турли сабабларга кўра ўз фаолиятини тўхтаиб қўйганди, - дея сўзида давом этди О. Асророва. - Бу йил унинг тўлиқ ишлаши учун имконият яратилди. Шуларни ҳисобга олиб Жамила Мамашарипова раҳбарлигидаги мутахассислар яна 60 нафар қиз-жувонларга касб сирларини ўргатишади. Чунки биргина "Каррера" учун камида 240 нафар ишчи керак.
**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ
"ТУРКИСТОН-ПРЕСС"**

Хотин-қизлар кўмиталари фаолиятдан



Ярим Ой" жамияти, "Оқосан" жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари бу ишларга бошқош бўлишарди. Яқинда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларда 5 та суннат ва 2 та никоҳ тўйлари шаҳар ҳокимлиги ёрдами билан ўтказилди. Қанд диабет билан оғриган 12 нафар болага бепул дори-дармон берилди. Оналар соғлиғига эътиборни кучайтириш,

бирлар вилоят телевидениеси орқали мунтазам бериб берилмоқда. "Энг яхши экологик муҳит" танловида "Жамбул" маҳалласи ва 28-сон болалар боғчаси қолиб деб топилди. "Тўмарис қизлари" спорт мусобақасида шахримиз қизлари муваффақиятли ишторок қилдилар. Жаҳон чемпионида дзю-до кураши бўйича Юлия Шагибекова фахри 2-ўринни олди. Болалар ва ўсмир қизларни жисмоний ривожлантириш, саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида маҳалла-

ПАРИСИ БОР УЙ

Нодира учинчи бора мени излаб Янгийўдан Ташкентга келганда, жуда ноқулай ахволда қолдим. Унинг мақсади ўша-ўша эди:

-Қайнотам, қайнонам жуда ажойиб одамлар. Қайнотам урушда қатнашганлар, саксонга қираяптилар. Ҳамма болалари, келин, кувёлари шунақаям ҳурмат қилишадик! «Қарияларни қадрлаш йили»да мана шундай одамларни ибрат қилиб ёзмайсизларми?

...Янгийўл шахрининг шинам ҳовлиларидан бири. Кириб борганимизда, бурчақдаги қўйхонадан тоғорада ем кўтариб чиқиб келган мўйсафидга ишора қилиб: "Қайнотам!"-деди Нодира.

Тик қадли, юзлари қўп-қизил, иш кийимларим озодау ораста бу одамнинг саксон ёшга кирганига ишондиш

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

Иброҳимжон кенг далага чиқиб ўзининг ота бўлганини бор овоз билан овоза қилган экан. 1993 йили Хуршидбек туғилганда эса Иброҳимжоннинг ярақлаб турган уйдан учта набирасини эргаштириб Мақсудахон ая — Нодиранинг қайнонаси чиқиб келди. Салом-алиқдан кейинроқ онахоннинг бир фарзати аён бўлди: бувижоннинг синчовқо қарашлари маъносини англаб набиралар ўзларига разм солдилар, кийим-бошларини тўғрилаб олдилар. Фотиҳага ўтирганимизда уй бошлиғи Раҳимжон ота ҳам янги кийимлар кийиб олгандилар.

Мураккаб замонларни, урушни кўрган Раҳимжон отанинг соҳури, хаттоки қошларигача оқарган.

-Менинг одатим шуки, ғам-ташвиш, хафагарчилиқни кўтариб юрмайман. Агар кўтариб юрсам, яна кимнингдир дилини оғрийтиб қўйишим мумкин. Аллоҳнинг ўзи бу гуноҳдан асрасин!-қўзлари кулимсираб тургучи Раҳимжон ота билан Мақсудахон аянинг гаплари билан амали бир эканлиги, дилдорликдан йироқликларининг муқофоти, эҳтимол, ҳаётдан бевақф кетган фарзандлари Иброҳимжондан ёдгор бири-биридан суюқ мана бу уч набирадир?!

...Озига кучи етмаганлар Мақсудахон аянинг кенжа келини Нодиранинг фарзанд кўрмаётгани ҳақида саккиз йил гапирдишди. Тоғ қўқисидан кулаган тош ерга тушгунча йўл-йўлакай яна қанча тошларни кўчириб гумбурлагандай, йиллар ўтиши билан бу гап-сўзлар кўпайгандан кўпайди. Дўстлари ўғилли, қизли бўлганда, Иброҳимжон аламини ичкиликдан олган пайтларим бўлди. Шундай кунларда Нодира муҳаббат билан қурилган оиласини бузиб бўлса-да, турмуш ўртоғининг бошқага ўланиб оталик бахтига етиши учун йўл очгиси келарди. Бу ҳақда гапирса, қайнонаси хамиша битта гапни қайтарарди: "Сабр қилгинлар, Аллоҳдан умидим бор, тирноқсиз қўймайди".

Баянда Нодира ҳеч кимга ҳеч нарса демай отасиникига кетиб қолса, ўша куннинг ўзида қайнотаси ёки қай-

накаларидан бири бориб олиб келишарди. Улар ҳайдовчилик қилишарди-да, ҳеч нарса бўлмагандай, гўё йўл-йўлакай уни олиб кетишга киргандай муомала қилишарди.

-Яхши одамларнинг яхшиликлари туфайли орзиқиб қутилган бахтга етдим - она бўлдим, - дейди Нодира. - Қайнонам бош бўлиб мени шифокорларга кўрсатишди, даволандим. Ўзим тарбиячи бўлиб ишлаган 16-боғча мудири Матлуба Ортиқжўзева ҳам мени тушуниб, даволанишим учун шароит яратдилар.

Ниҳоят, саккиз йил орзиқиб қутилган орзулар тонги отди: 1990 йили Умидхон туғилди. Ўшанда Иброҳимжон кенг далага чиқиб ўзининг ота бўлганини бор овоз билан овоза қилган экан. 1993 йили Хуршидбек туғилганда эса

Иброҳимжоннинг туғруқхонанинг тарновидан тирмашиб иккинчи қаватга кўтарилгани, севиқли рафикасини ўз кўзи билан кўриб табриқлагани, дув-дув гап бўлиб кетгани. Яна уч йил ўтиб Ойбек туғилди.

Лекин... қувонч билан алам, армон кун ва тун каби ёнма-ён юраркан. Бевақф ўлиб Иброҳимжонни...

Шундан буён йиллар ўтди, сувлар оқди-кетди, қанчадан-қанча гап-сўзлар айланди. Лекин озгина кучи етмаганларнинг тахминини "баҳорат"лари яна тасдиқланмади-қайнона, қайнотасининг: "Сен хали ёшсан, турмушга чик, болаларингни биз боқиб тарбиялай-верамиз",-деган гаплари: "Менинг сизларга оғирлигим тушарми?" Болаларини ҳеч кимга алаштирамайман, Иброҳимжон аламининг руҳига ҳам хиёнат қилмайман",-деб жавоб қайтарди Нодира. Шунда Раҳимжон ота ўғиллари Икромбек, Султонбек; Анварбек, Қахрамонбекни қафириб: "Бундан сўнг сизлар Иброҳимжоннинг болаларига ҳам амаки, ҳам ота ўрнида бўласизлар. Уларни ҳеч нарсадан камситмай, ўз фарзандларингиз қаторида кўрасизлар", - деб буорди.

Бу хонадонда отанинг гапи фарзандлар учун - қонун.

-Мен болаларимнинг емоқ-ичмоғи, кийим-кечагидан сира қийнамайман. Аввало қайнона-қайнотам, қолаверса, қайнакаларим ҳеч нарсага зориктирмайди, - дейди Нодира. - Йигирма йилдан буён битта боғчада тарбиячи бўлиб ишлайман.

"Париси бор уй" деб худди мана шундай — Раҳимжон ота ва Мақсудахон ая каби кексалар бор уйни айтсалар керак.

Ўзларидан нур ёғилган кексаларнинг хонадонидан яна шундай учрашувларни орзулаб қайтдим.

Мухтарам УЛУҒОВА

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САОЛАТИНИ КЎЗЛАБ

-Мақсуда опа, шаҳарда соғлом авлод, аёллар соғлигини мустаҳкамлашнинг устувор йўналишларини рўйбага чиқаришда қандай чора-тадбирлар, дастурлар амалга ошириляпти?

-140 минг аҳоли истиқомат қилаётган шахримизда оилаларни мустаҳкамлаш, она ва бола манфаатларини ҳимоялаш, эҳтиёжларни қондириш борасида талай ишлар қилинди. 30 мингдан ортиқ бола, 29 минг туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўриқдан ўтказилди. Касаллиги аниқланган беморларни гуруҳларга бўлиб даволаш ишлари олиб бориляпти. Яқинда жаҳон андозаларига жавоб бераоладиган вилоят болалар касалхонаси қайтадан таъмирланиб, ишга туширилди. Эндокринология ва қанд касалликлари диспансерида 20 ўринли

"Она ва бола" бўлими ташкил топди. "Наврўз" шаҳарчасида янги поликлиника иш бошлади. Бемор болаларга зарур дори-дармонлар тарқатилди. Даволанишлари учун бепул йўлланмалар берилмоқда. Мактаблар ва болалар боғчалари ошоналарида витаминга бой таомлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Шунингдек турли гиёҳлардан дамламалар тайёрлаб ичириш ташкил этилди. 230 нафар она ва бола бепул соғломлаштирилди. 12 мингта кам таъминланган оила мунтазам равишда моддий тарафдан рағбатлантирилиб туриляпти. Хайр-саховат, эҳсонлардан ногирон болалар, "Меҳрибонлик уйи"нинг болалари ҳам четда қолмаяптилар. Шаҳримизда фаолият олиб бораётган нуфузли ташкилотлар, корхоналарнинг беғараз ёрдамлари катта. Шунингдек "Қизил

Урганч шаҳар ҳоким ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Мақсуда ПОЛВОНОВА билан суҳбат:

соғлом бола туғилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида ҳали кўп ишлар қилиш лозим. Агар соғлом болалар 12 фоизни ташкил қилишини инobatга оладиган бўлсак, олдинда қилиниши керак бўлган ишлар жуда кўп. Миллат генофондини соғломлаштириш, эл-юрт келажиги — наслимиз ҳақида қайғуриш барчамизни бирдек ташвишга соляпти.

-Оилада ва маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини яратиш борасида қандай ишлар олиб бориляпти?

-Аҳоли ўртасида тиббий, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида жамоат ташкилотлари ва муассасалар билан ҳамкорликда олиб бораётган ишларимиз ўз самарасини бераёпти. "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамғармаси вилоят бўлими, "Соғлом авлод учун" жамғармаси вилоят бўлими, вилоят наркологи диспансери, шаҳар ички ишлар бўлими, вилоят адлия бошқармаси ҳамкорлигидаги гуруҳ аъзолари, шунингдек, маҳаллалар фаоллари, соғлом фикрли инсонлар, пиру бадавлат онахонлар, отахонлар биргаликда жойларда қизикарли учрашувлар, суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Маҳаллаларда: «Эпли қизим керакми, сепли қизим?», «Келиним-қизим, қайнонам-онам», «Энг яхши экологик муҳит», «Еш оналар» кўрик танловларида, мусобақаларда ёшлар билан баб-баробар қариялар ҳам фаол иштирок қилаяптилар. Миллий қадриятларимизнинг энг гузал дурдоналари ўз аксини топган ушбу тад-

ларда спорт майдончалари ташкил этилди.

-Бугунги кунда тadbirkor аёллар сони йилдан-йилга ошмоқда. Ана шу борадаги фаолиятингиз қандай?

-Шаҳримизда 800 дан зиёд тadbirkor аёл бор. Тикувчилик, зардўзлик, бешикчилик, тўқувчилик, савдо-сотик сингари қатор ишларнинг бошини ушлашган. Кичик ва ўрта бизнес тобора ривожланыпти. 60 нафар аёл ўз фирмасига эга. Роза Эшжонова тикувчилик цехини ташкил қилиб 15 нафар аёлни иш билан таъминлади. Яқинда у "Уста ва шогирд" курсини очиб, қизларга хунар ўргата бошлади. Дармонжон Сотинова эса "Ислон-Икром" хуусий корхонаси раҳбари. Бу ерда 200 нафар қиз иш билан банд. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида 153 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Шундан 80 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, қолганлари касби-корига қараб ишга жойлашдилар. Ишсиз деб эътироф этилган 73 нафар хотин-қизга ишсизлик нафақаси тайин қилинди.

Қўшма корхонасида ва "Феруз" ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётган 5 ёшгача боласи бўлган оналар қўшимча дам олиш кўни олиб, болаларини мактабга тайёрлаш имкониятига эга бўлдилар.

-Мақсуда опа, савобли ишларнингизда сизга куч-қувват тилаймиз.

Суҳбатдош: Дилбар БЕЖОНОВА



Навоий вилоятининг чекка бир туманида, Қизилтепада чўл шароитида яшаб, юрт ободончилигига, эл фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётган аёллар

кўп. Шулардан бири Хадича опа Воҳидова. Опа ўзи бошқараётган "Хадича" фирма-фаолиятини бундан

-Хадича опа асли бухоролик. Авлод-аждоди тикувчи ва зардўз ўтишган. Шу боис, кичик корхонанинг дастлабки тармоғи - тикувчилик ва зардўзлик цехлари очилди. Атрофига бир нечта маҳаллий қизларни тўплаб, хунар ўргатди.

Сўнгра уларни ишга қабул қилди. Ўқув курси ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Эндигина мактабни битирган қизлар, уйда бўш ўтирган жувонларни

тўплаб, касб ўргатишда давом этди. Туман меҳнат биржаси билан шартнома тузиб, уларга стипендия тайин этирди. Хозиргача, онанинг қўлида 400 га яқин қизилтепалик қизлар хунар ўрганишди. Бундан ташқари учта филиал очди.

Кейинчалик фирма таркибидан суратхона, новвойхона, пойфазал тузатиш устанонаси, эркаклар ва аёллар сартаршононалари ташкил этилди. Президентимиз: "Савоб ишни ҳар ким қилиши ва ҳар кун қилиши керак" дея таъкидлайдилар, - дейди тadbirkor опа. - Мен ҳам туманимиздаги кўп болалаи ва кам даромадли оилаларга ёрдам бериб тураман. Ёнимиздаги мактабда

Яхшилардан сўз очдик

ўқийётган ўнлаб болаларнинг бош ва оёқ кийимлари устаноналаримизда бепул таъмирланади. Бундан ташқари Навоий шаҳридаги "Саховат" уйдагилар учун ётоқхона жиҳозлари — кўрпача, чойшаб ва бошқа нарсалар тижимшоқда.

Хадича опа билан иш фаолияти юзасидан суҳбатлашар эканмиз, у фирма тармоқларини янада кенгайтириш ниятида эканлигини таъкидлади. Биз юрт ободлиги учун астойдил жон қойиётган бу тadbirkor аёлга ниятингиз йўлдошингиз бўлсин, дегимиз келарди.

Хайрулла ҲАМРОЕВ
Навоий вилоти

ТАДБИРКОР ОНА



Биз аёллар қайнона бўлишни осон фахрлаб юрамиз. Тўйга тайёргарлик кўриб, молу давлат тўплаймизу тўй қилиб, келин туширамиз. Энди келинга буйруқ бериб, етти қават кўрпачада ўтираверамиз, деган ширин хаёлларга ҳам борамиз.
Аслида хаёл бошқа-ю, ҳаёт бошқа экан. Ҳаёт синовларидан гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ ўтиб, бир-биримизни озми-кўпми тушуниб олганмиз. Бировдан олдин, бировдан кейин дегандек аҳил-иноқ яшаб юрибмиз. Ширин-шакар набираларим бор. Демак, ҳаёт сабоқларидан келиб чиқиб, баъзи мулоҳазаларимни айтмоқчиман. Фикрларим тўғридир, балки нотўғридир. Баҳслашармиз. Чунки ҳар бир оила ўзича бир мактаб яратди. Келин, юртовларим «Қайноналар мактаби» деб аталмиш янги рукида ибратли, обрў-эътиборли қайноналар ҳақида биргаликда ҳикоя қилайлик.



ҚИЗЛАРГА АТАЛГАН СЎЗЛАР

БИР БАХТИНГ - ТИЛИНГ!

● Ой қизим, эътибор бер: тиш аталган тошдан кўрган ясаб, лаблардан дарвоза қуриб, тилини қамаб, бу ҳам етмагандай, ақлини унга пойлоқчи қилиб қўйилмишдир! Бу чандон эҳтиёткорлик сени хушёрликка чорласин! Тилинг дилингдагини сотиб қўйгучидир. Огоҳ турмасанг, у битта сўз билан бирор кимсани отиб қўйгучидир. Ногаҳонда хавфу хатардан қўқариб қоладиган ҳам, аксинча, бошингга балолар соладиган ҳам шу тилингдай! Бой бўлмасанг, сени бой қиладиган, ой бўлмасанг-да, сени ойдайд кўрсатадиган — шу тил. Дунёда ким севимли бўлиб яшабди, тили туғайлидир.

- Тилинг омадиндир, қизим!
- Созинг, хонанданинг овозига қараб хуш кўрадилар, шундайми? Сен ҳам сўзлашганингда, аввало, овозингни энг чиройли пардасини тоғиб гапир.
- Сен одам танламагин, сўз танла. Тоғиб айтилган сўз душманни ҳам дўстга айлантира олади.
- Кишини ўзига чорлайдиган — хусн, итарадиган эса Сўзидир! Дунёда сўзинг ёқимли бўлсин.
- Телефон жиринглади. Гўшака "Алло!" ёки "Эшитаман!" ва ё ўрисча услда "Да!" эмас, "Лаббай!" дегин, жаҳл билан турган одам ҳам мумдайд эрийд.
- Сўзинг оғзинг тўла жавоҳириндир. Уни ураган жойга сочиб, увол қилма. Аммо керак жойдан қизғониб, ютиб ҳам кетма, яна уволга қоласан!
- Жаҳлинг чиқиб турганда, яхшиси, сўз айтма. Бу пайтда феълинг чиқиндилари юзага кўтарилган бўлади, сўзинг унга бўлғони чиқиб, атрофни кир қиладди!
- Рўпарангдаги одамга лутф қил, яъни кийими ёки иши ва ёки унга тегишли нарса ҳақида ёқимли фикр билдир. Аммо савол бераверма! Сўралмаган нарса ҳақида ҳикоя қилаверма! Қиз боланинг яхшиси — бу ким гапириб, кўпроқ тўғлайдигани!
- Сени ўзидай кўрадиган кишиларинг санокли. Шу боис ҳар кимга ҳам битган ишларинг, ютуқларинг, баланд режаларинг ҳақида гапирма. Биринчидан, бу — лақмалик! Иккинчидан, суҳбатдошининг бошида не хаёл, кўнглига сизгасанми ё йўқ!
- Қолаверса, кўнха ҳаётнинг нозик сабоқлари бор: Яратган ҳар бир инсонга дунёларни сифдирга бўладиган бағир берган. Ҳамма дардинг, ўй-саноларинг ўзингга сифади. Уни бировга ағдариб тўкавериш, пардани очаверишнинг асло кераги йўқ!

Санъат МАҲМУДОВА

- Бундай яхши келинларни қандай тоғансиз? Ҳаммаси нақ буюртма-я, ҳазил аралаш саволга тутаман дугонам Саодатхон.

Тошкентдаги 38-мактабда бир умр ўқитувчилик қилган Саодатхон Мелиқуллованинг беш ўғли, беш келини бор. Уларга ҳаммининг ҳаваси келади.

- Аввало қайнонанинг ўзи тарбия кўрган, онгли инсон бўлсин, - деб жавоб беради, Саодатхон. Мен масалан раҳматли қайнона-ойимларнинг доно мактабларини ўтаганман. Келин бўлиб тушганимдан сўнг институтда ўқийшимни битириб олишимга, ўғиллари билан ёрдам бердилар. Қайнона-ойимларга нима десалар хўп деб, мана, сира кам бўлмадим. Мен ҳам уларнинг тажрибаларини кўлаб, тўйдан олдин ўғлимни ёнимга ўтказиб:

ҚАДОВИНИ ТОҒИНГ, ҚОҒИНИ ТОҒИНГ, ҚОҒИНИ ТОҒИНГ, ҚОҒИНИ ТОҒИНГ...

қишга одатланишсин. Ота-она, қайнона-қайнота олдда овозни баланд кўтариш беодоблик эканини ёшлар билсин, тушунсин.

Иккинчидан эса, тўйдан сўнг икки-уч кун ўтиб, пари-пайкар келин билан ёлғиз қолиб, обдон танишиб, суҳбатлашиб оламан. Оиламига аъзоларининг феъл-атворини, рўзгоримиз тартиб-қоидасини тушунтириб қўяман. Қадим-қадимдан биз ўзбек оилаларининг ҳар бирининг ўзига хос ахлоқ-одоби, қадриятлари, рўзгор тебратиш санъати бўлган. Шу фикрни айтиб, бизнинг оилада ота-онага қандай иззат-хурмат кўрсатилади. Эрта билан қай вақт турилади. Уйда қандай кийиниб юриш маъқул. Нонуштага қандай, кечкига қандай таомлар тайёрланади. Туз-намаги қанақа бўлади. Меҳмонизлом қандай кутиб олинади? Қайн-бўйимлар, қайн-сингиллар, амма-холаларга муносабат... Шунга ўхшаш барча одоб-андишларни, уй-рўзгорининг бандонастини, бори-йўғини бағри кенглик билан яхшилаб тушунтириб қўяман.

Ана ўшандан кейин келинга ҳам,

кўмаклашаман. Борақол, онанг ёрдам берсин, демайман. Бошқоронги бўлганда, ё бироз тоби қочганда, болалари бетоб бўлганда уларни тушуниб, фидо бўламан. Ош-овқатни вақтинча зиммамга оламан. Келинлар ҳозир бир-бирига ана шундай жон куйдиради, ёрдам беради. Ахир ўзингиз ўйланг. Иккитагина нон олиш учун ҳам новвойга аввал пул узатасиз, кейин у сизга нон беради. Сендан угина, мендан бугина. Меҳр бермай туриб, меҳрга сазовор бўлиш мушкул.

- Ҳа, яна бир гапни ёзиб қўйинг,- дейди Саодатхон,- Президентимиз маҳаллаларнинг обрў-эътиборига, маблағига катта эътибор бераётди. Шундай экан, маҳалла қўмиталари қошида қайноналар мактаби, бир ҳафталик ё ўн кунлик ўқув курслари очилса. Келин тушириш арафасида турган ҳар бир қайнона фозила, олима аёлларнинг, яхши қайноналарнинг сабоғини тингласа... Ана ўшандан кейингина тўйга рухсат берилса...Ақралишлар камайиб, гуноҳлардан фориғ бўлардик, иншоолар.

Санъат МАҲМУДОВА

ЖАННАТМАКОН ЭДИНГИЗ...

Биз оилада ота-онадан 9 нафар фарзанд эдик. Уч ўғил, олти қиз. Биз фарзандларни ҳаммамизни бир кўзда кўриб, ўқитиб ишли, уйли-жойли қилишда айниқса онажоним сизнинг меҳнатингиз чексиз эди.

Сизнинг тарбиянги савобини биз ҳамма опа-сингиллар тинч, ўз оиламизда фарзандларимиз даврасида бахтиёр ҳаёт кечираймиз. Лекин бизга армон бўлгани шуки, биз фарзандларингизни не-не машаққатлар билан вояга етказиб, айна ҳузуримизни кўрадиган вақтингизда бешафқат ажал сизни олиб кетди. Ширин сўзингиз, фақат ҳалол меҳнатингиз билан баркамол инсонлар бўлишимиз учун қанчадан-қанча заҳматлар чекканингни нафақат биз фарзандларингиз, ҳатто бутун маҳалла ҳам билади. Чунки сиз маҳалла хотин-қизларининг шахсий "адвокати" эдингиз. Маҳаллада бирор бир тўй, маърака сизнинг маслаҳатингизсиз ўтмас эди. Агар бирор киши келин қидирмоқчи ёки қизини кўёвга узат-

Онажоним Сора Раҳимовани эслаб...

моқчи бўлса, энг аввал сиз билан маслаҳатлашар эди. Шу боис сизнинг тирлик чоғингизда доимо уйимиз меҳмон билан гавжум бўларди. Ҳозир ҳам қачон уйга борсак, албатта бирор бир сиз яхшилик қилган кишини кўраимиз. Яна сизни хотирлаймиз. Сиз биронтамизга мурожаат қилаётган бўлсангиз аввал: "Дар-

Хотира — муқаддас

дингни олай болам",- деб гап бошлар эдингиз. Наҳотки ҳаммамизнинг дардимизни бир ўзингиз олиб кетдингиз. Ҳатто уч келиннингизни ҳам қизларингиздан ортиқ кўрадингиз, бирор марта келин сўзини "жон" қўшмасдан ишлатмасдингиз. Эсимда, умрингизнинг сўнгги кунини ҳаммамиз сиз билан бирга эдик. Бирин-кетин бизни олдингизга чақириб васият қилган эдингиз. Уша кун катта ўғлингиз Мухтор акам соқолларини олган эканлар, шошилангизимиз юзлари қонаб қолган экан. Қўлингизни акамнинг юзларига қўйиб: "Ўғлим,

ўзинг нега қонаяпти",- дегингизда ҳаммамиз ўқиб-ўқиб йиғлагандик. Наҳотки ўзингиз ўлим билан олишайтган бир пайтда жиғарбандингиз юзидаги арзиманган бир томчи қонга шунчалар ачиндингиз. Кейин энг охирида дадажонимни имлаб чақириб: "Мендан рози бўлинг, болаларимни сизга топшириб кетаялман, ўрнимни билдирманг",- деганингда ҳатто дийдалари қаттиқ дадажоним ҳам кўз ёшларини яшириб, отхонага кириб ўқириб-ўқириб йиғлаган эдилар.

Сиз дадажоним билан видолашиб бўлган, уч марта қалима қайтардингиз, сўнг онажон, мени тезроқ олиб кетинг дедингиз-у, мангу уйкуга кетдингиз. Уша кун пайшанба кун эди. Қўшимиз: "Сора хола жаннатмакон аёл эдилар", дегандилар. Ҳа, топилмас гавҳарим, онажоним кўпинг дуоиси ихобат бўлсин-у, жойингиз жаннатда бўлсин.

Рухсора РАҲИМОВА Самарқанд вилояти

(Давоми. Боши ўтган сонларда.) Турсунои СОДИҚОВА

Хонам деразасидан осмондаги қоп-қора булутларни кузатиб турарканман, момақалдироқ гумбураб шаррос ёмғир қуя бошлади. Баҳор ҳам қизик-да, бир қарасанг қуёш кулади, гуллар атирини сочади, бир қарасанг... Худди муҳаббатли кунларга ўхшайди-да, баъзан шодон яшаб юрганимда хиёнатнинг чакмоқлари кўнглимни баҳор чакмоғидек куйдириб ўтади...

Ана шу хаёллар билан жиринглаётган телефон гўшагини кўтардим.

- Опа, мен Гулзода деган аёлман, Зангиота туманидан сизга кўнгирак қилаётгандим. Ишонсангиз дилим зим-зиё, кўзларимдан ёмғирдек қулаётган ёшларим билан сизга кўнгирак қилаяпман. Илтимос, менга ёрдам беринг, куч беринг менга... Дилимдаги алам-ўқинларни енгшим керак. Бир дўст бўлиб менга маслаҳат беринг...

- Азизим, синглинам. Бунча куйинманг-да, хотиржам гаплашайлик, - дедим.

- Мен гапимни айтаверайми? - дея сўзлай бошлади нотаниш аёл.

- Орзу-ҳавас билан турмушга чиққанман. Кўнглимдаги армонларнинг барчаси ушалган. Яхши уйимиз, уч нафар фарзандимиз, ўз дўконимиз, яна эримнинг машина тузатадиган устахонаси ҳам бор. Нима десам олиб беради, айтган жойимга олиб боради. Бундай қарасангиз ҳеч нарсадан камчилигим йўқдек. Бирок!.. Бу аёл ношукр деб ўйламанг-у, аммо кўнглининг кемтикчилигини ҳеч нарса билан, айниқса бойлик билан тўлдириб бўлмас экан. Шуни ўйлаётган аёлдай-тамом бўлдим. Агар шохона қасрда яшасанг ҳам дилинг тинч бўлмас-а ҳаммаси бекор экан, опажон, бекор экан. Ўз яқинларимга айтиб дардлашиб ҳам кўрдим. Улар менга: "Ношукркан", - дейишди. Ношукр эмасману, аммо...

- Кўнглингиз шу қадар ўқикми, синглим?

- Ҳамма гап шундаки, эрим жуда яхши инсон. Унга қаттиқ кўнгли кўйгандим. Лекин у кўнглимни ўқитди. Бир марта ҳам сан-манга бормаганми. Айтганини дардор муҳайё қилади. Оилавий ҳаётимиз давомида меҳрим риштаси билан севгим чамбарчас бўлиб эримни еру-қўкка ҳам ишонмайдиган бўлиб қолдим. У эса....

- Ҳибнат қилдимми?

- Ҳа, шу қадар усталик биланки, таърифига сўз йўқ. Мен кейинги пайтларда даволанаётгандим. Уч қизимдан кейин ўғил

кўришни истардим. Эрим дори-дармон дейсизми, врачга олиб боришим, ҳаммасини бажондуб муҳайё қилиб беради. Ҳамма гап ана шундан кейин бошланди-да. Бир кунни томчиловчи укол олгани боришим керак эди. Бора олмадим. Эрим эса: «Овора бўлиб юрасизми, жоним. Агар уйга

- Эрингиз ҳақидами?

- Ҳа, улар бир жойга меҳмонга боришса, у ерда эрим ўтирганмиш. Уйланиб олганига ана бўлган экан, кейин билсам. Ёнидаги аёл эса ўзини унинг хотинидек тутар эмиш. Бир қизчаси ҳам бор экан. Бу гапни эшитиб қай аҳволга тушганимни тасаввур қила олмайсиз.

- Хуллас, ўша менга укол қилиб юрган аёл эримнинг иккинчи хотини бўлиб чиқди. Эрим эса уни "ҳамшира" деб уйга олиб келганди... Бу гапни эрим барибир тан олмади. Додлаб йангласам ҳам эрим индамасди. Бу менга жуда алам қилди. Лекин унинг менга муносабати ўзгармади. Орадан анча вақт ўтди, чидай олмадим. Ўша аёлга кўнгирак қилдим. Биласизми у менга нима деди: «Нима бўпти, мен эрингизнинг иккинчи хотиниман. Ундан бир қизим бор, яна ҳомилдорман. Бу гап албатта ўғил тугаман».

Кўнгиракларингиздан бири

қўймайди, ўша хотини, болаларини ҳам ташлаб кетолмайди. Менга, кўнглимга қийин бўлди. Қандай қилай, энди кўни-кўйи ашайверсаммикан ёки...

Аёл ўз тақдирини айтиб берган, ўзим гувоҳи бўлган бир воқеани эсладим. Бу маҳалламизда бўлганди. Тўрт нафар фарзандини ташлаб ёшгина бир қизга уйланиб олган топармон-тутармон йигит бор эди. Тақдир-да, бир кун авто-халокатга учради. Кейин ўша қиз йигитни биринчи хотининикига олиб келиб ташлади. Эртасига эса улар уни ўша қизникига олиб бориб ташлашди. Охири маҳалланинг кексалари аралашиб биринчи хотинининг уйига олиб кириб қўйишди. Йигит мажруҳ бўлиб қолганида, иккинчи хотинига керак бўлмай уни кўчага улоқтирди. Яна биринчи хотини, фарзандлари унинг жонига оро кирди. Дўхтирларга олиб бориб даволатишди. У тузалиб кетди, кейин яна ишини йўлга қўйиб олди. Оиласига қилган жафолари учун кеҳирим сўраб, яна бахтли яшаб кетишди. Кексалар айтаганидек: "Баъзан сув ҳам бир лойқайди-ю кейин тинийди-да". Буларни айтишимдан мақсад, аёл киши сал сабрли бўлгани маъқул экан.

Синглим Гулзодахон! Хафа бўлмангу, ҳамма фожиа бекорчиликдан келиб чиқади. Сиз уйда бекор сиқилиб ўтирманг. Бирор бир ишга кириг, жамиятга аралашиб одамлар ичида



ОЛАМИНГИЗ БЎЛСИН!

ҳамшира олиб келсам-чи?» - деди. Мен турган гапки қувониб кетдим. Рози бўлдим. Шу оқшом эрим уйимизга ҳомилдорлиги билиниб турган гўзал бир жувонни бошлаб келди.

- У ҳамшира эканми?

- Ҳа! Аёл менга керакли муолажани қилди. Эрим эса чой тайёрлади. Чой устида уёқ-бўқдан гаплашиб ўтирдик. Кейин эрим аёлни уйига ташлаб келгани кетди. Тун ярмидан ўтганда келди. «Нега кечикдингиз» деган саволимга эрим: "Йўлда машинам бўзилиб қолди. Аёл ҳам жуда узоқда тураркан. Аранг етиб келдим. Техника-да, ишониб бўларимди", - деди. Мен бу гапга ишондим. Орадан кунлар ўтди. Эрим дам-бадам йўқолиб қола бошлади. Сўрасам, ишим кўп, деб жавоб беради. Меннинг эса кейинги пайтларда юрагим ғаш бўла бошлади. Кечалари бесабаб уйғониб кетавераман дег. Эримга айтсам, қулибгина қўяди. Эримнинг бир дўсти бор эди. Шунинг хотини менга тез-тез кўнгирак қилиб турарди. Бир гап айтиб қолди.

деди.

- Кейинги муносабатларингиз...

- Очиғини айтсам, бориб юлшмоқчи ҳам бўлдим. Чунки: "Эр бермоқ жон бермоқ", деганлари рост экан. Лекин ўзимни босдим. Ҳозир кўниқиб қолгандай эдим, лекин яқинда ўғил кўргангани эшитиб... Ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Бориб бўлгани кўриб ҳам келдим. Энди эрим уникига ошқора кетадиган бўлди. Янги уй ҳам олиб берибди. Мен ҳам ҳомилдор бўлиб фарзанд кутаётгандим. Рухий ҳолатим таъсир қилиб нобуд бўлди. Врачларнинг айтишича, у ўғил экан. Бунга асабимнинг толиқиши сабаб бўлибди. Наҳоти умид билан бир ёстичқа бош қўйган севимли эримдан шуларни кутган бўлсам? Уч нафар кўнгиракдек қизларим бор. Эрим уларни жуда яхши кўради. Лекин... мен-чи? Икки кўнгли, икки оила орасидаги эримни яна аввалгидек губорсиз сева оламанми? Бироқ эрим ажрашиб кетишимга ҳам йўл

бўлсангиз бу дард сизни кўп ҳам қийнамасди-да. Уйдаги кишининг кўнглига кўп гап келади. «Бирни кўриб фикр қил, мингини кўриб шукр қил», дейишган-ку. Ишласангиз иш билан банд бўласиз, турли тақдирларни кўрасиз-да. Агар ишнингизни севиб қолсангиз унда ҳаётингиз янада қизиқарли бўлади. Ахир ўқиган, муаллима аёл экансиз, мактабга кириг. Болалар жуда беғубор бўлади. Ишонманки, уларнинг беғубор сўзлари, кулгулари, бехисоб савол-жавоблари билан ҳаётингизга мазмон кириди. Иштиробларингизни, ҳаётингиздаги, оилангиздаги дилжиралдиқларни ювиб юборади. Шуларнинг орасида ўз оламингизни кашф этинг, гулдан, гулдек фарзандларингиздан куч-қуввати олинг. Баъзан аёлнинг саб-тоқати, ирода, озгина мағрурлиги ҳам эркакни яна ўзига мафтун қилаверади.

БАСИРА

Эрталаб ишга келаётсам йўлакда ёши эллиқлардан ошиб қолган бир эркак турибди. Узоқдан кузатиб келаётганимни сезганим сўраб қолди.

- Синглим, мен Андижондан келдим. Исми Муроджон. «Оила ва жамият» газетасига қандай кирсам бўлади?

- Юринг, мен таҳририятда ишлайман, йўлимиз бир экан, - дея биргалашиб 4 қаватга кўтарилдик. Хонага киргач:

- Менинг ҳолатимга эътибор берманг. Бугун муборак жума кун бўлгани учун Худо раҳмат қилгур хотинимнинг қабрини зиёрат қилиб келаёяман, - дея сўз бошлади.

- Аёлингизга нима бўлган-ди ўзин?

Тошкентлик, 25 ёшли, икки ўғилчаси бор (эри вафот этган), касби тикувчи бўлган баланд бўйли аёлман. Отасиз фарзандларининг кўнгли ўқиб ўсаяпти. Оғир-вазмин, Тошкентда яшайдиган оқил бир инсон бўлса, оила қурмоқчи эдим...

Л.

ЯХШИ — ЁМОН КУНДА БИРГА ЭДИЛАР

Кишлоқдаги девор-дармиён Худойберди бобо билан Робия онанинг бир-бирига меҳрибонлигини, аҳиллигини кўриб ҳамма ҳавас қиларди. Робия она бизникига келсалар: «Анови шафтолларингдан иккита бергин болам, бофотн яхши кўради. Тиши йўқ, юмшоққина шафтолани маза қилиб ейди-да», - деб кўйлагининг узун энги ичи-га шафтолани солиб олиб кетарди. Худойберди бобо ҳам бирор жойга маъракага, борса, белбоғининг учига шўрвасининг гўштини «кампиримга» деб тугиб оларди. Дастурдон бошида бир-га ўтириб қолган вақтларимиз Робия она му-лоим-мулоим ном бурдаларини чолининг олдига териб қўяётганини кўп бора кўрганман.

Ажойиб-гаройиб

Бирок бир-бирига қаттиқ боғланиб қолиш, кучли меҳр қўйиш ҳам бўлмас экан... Яқинда Робия она бетоб бўлиб қолди. Ана энди Худойберди бобони куйиб-пиш-ганини кўрсангиз. Катта-катта ўғил қизла-ри бўлса-да, ҳеч кимга ишонмай ҳали бу дўхтирга, ҳали бу табибга югуриб қолди... Робия онанинг касали унчалик хавфли эмасди. Шундай бўлса ҳам, Худойберди бобонинг хавотир пайсамади. ...Уша кун Худойберди бобо эрталаб кампирининг олдига кириб: «Тузукмисан?», - деб сўрабди. Робия она: «Худога шукр, тузукман», - дебди. Кампирининг ҳорғин кўринишидан кўнгли тўлмаган бобо ўзи бориб дўхтирни етаклаб келибди. Келибди-ю, ўзи бошқа уйга кириб кетибди. Дўхтир онахонни кўрибди-да, кетибди. Худойберди бобонинг чойидан хабар олган кириган набираси, уни уйғота олмабди. Қараса, отахон беозоргина бўлиб бу ола-ми тарк этган экан...

Бирпасда ўғил-қизу, келин-набиралар тўпнлашиб йи-ғиси бошланиб қолибди. Йиғи овозини эшитган Робия она кўшни хонадан зўрға чиқиб келиб: «Нима гап, тинчликми?», - деб сўрабди. Аҳволни билган, чолининг бошига келиб унсиз фар-ёд чекибди-да: «Сиз ўлган бўсангиз, мен нима қилдим бу дунёда яшаб», деб яна ўзи ётган хонага кириб кетибди. Ҳамма Худой-берди бобо билан овора бўлиб қолибди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, набира келини Робия онасидан хабар олгани кирибди. Не кўз билан кўрсинки, онахон ҳам ўз ўрнида бу дунёдан кўз юмган экан...

Бугун кишлоқ аҳли бу воқеадан ларзага келди... Бир-бирини ҳеч қачон ёлғизла-тиб қўймай, яхши-ёмон кунда бирга бўлган нуруний отахон ва онахон сўнги йўлга ҳам бирга кетишни афзал билишибди.

Хулқар ҲОТАМБОВА

ТИЛИНГИЗНИНГ РАНГИ ҚАНАҚА?

Тилдаги ўзгаришлар ички аъзолардаги хасталиклардан дарак бераркан. Киши бут-кул соғ-саломат бўлганда тилиннг ранги оч-қизил бўлади. Агар у сарғиш бўлса, демек овқат ҳазм қилиш тизимининг иши бузилган. Касаллик су-рункали оғир табиатда кеча-ётган ҳолларда тилда қорамтир ранглар ку-затилади. Қабиаят (ич қотиш)да тилдаги оқ қарашлар қалинлашади... Ўпка касаллиги-

Маслаҳатхона

да тил жигарранг бўлиб кўринади. Юрак иши издан чиққанда ё қон бузилиши хасталикларда тил тўқ қизил рангда, камқ-онлик (анемия) ёки тана ҳолдан тойганда эса аксинча оқш тусда бўла-ди. Тилиннг қўқимтир тусга кириши юрак, ўпка ва буйрак тизимида жиддий ўзгаришлар борлигидан далолатдир.

ГҲЛЖАМИЛА тайёрлади

Хурматли ва ҳаммамиз учун азиз бўлган адажонимиз Саттор МАМАТҚУЛОВ!

Сизни кўтлуг 60 ёшлингиз билан табриқлаймиз. Яратгандан ҳаёт йўлингиз бундан-да чароғон бўлишини, кўнглингиз тубдиғайи барча эзгу орзулар ушалишини, беғубор чеҳран-ғиздаги табассум сизни ҳеч қачон тарк этмас-лигини Аллоҳдан сўраб қоламиз. Бахтимизга соғ бўлинг.

Хурмат ила фарзандларингиз — Фарҳод, Зулфизар, Беҳзод, Шерзод, Меҳринисо, Шоҳзамон, Ином ва Улуғбек Сатторий

Азиз онажон!

Тугилган кунингиз билан чин дилдан кутлайман.

Қизингиз Дилноза

Азизим МАНЗУРА!

Сизни 13 апрел — тугилган кунингиз билан чин юракдан таб-риқлайман. Сизни бахт ва яхши кайфият бир умр тарк этмасин. Давлатёр

Хурматли Фарида ҚҲОҚОВА!

Сизни тугилган кунингиз билан табриқлаймиз. Дунёдаги барча эзгу-тиллақлар сизга ёр бўлсин.

Қизларингиз — Ҳилола, Соҳиба

Отажоним Жумабой ИБРАГИМОВ!

Сизни тугилган кунингиз билан табриқлайман. Ҳар доим соғ бўлиб, бошимизга соябон бўлинг. Қизингиз Муқаддас

Онажонимиз Қосилоҳон ХУСАНОВА!

Таваллуд кунин-ғиз-ла кутлаймиз. Отамиз Иброҳим Урмонов билан қўша қариб, соғ бўлиб юринг. Фарзандларингиз

Ангрэн шаҳри, Грум қишлоғи

Косметолог: Ёшартириш, оқартириш, юз массажи, юз тоза-лаш сеансларини олиб боради. Хуснбузарни даволайди. Косметологияга ўқитиш. Тел: 35-39-93. ҲИЛОЛА

«КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР» ўқув маркази тақлиф қилади.

3 ойлик курслар: - Инглиз тили, - Инглиз тили ва компьютер, - Компьютер билимлари: (Windows-2000, Ms Office) INTERNET, E-MAIL - Банк иши ва компьютер билимлари, - Бухгалтерия ҳисоби, - Электр жиҳазларини таъмирлаш устаси, 1-С Бухгалтерия дастури — 1 ойлик.

2 ойлик курслар: - Компьютер билимлари: (Windows-2000, Ms Office) INTERNET, E-MAIL - Бухгалтерия ҳисоби, - Электр жиҳазларини таъмирлаш устаси, 1-С Бухгалтерия дастури — 1 ойлик.

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзилимиз: Тош-кент, Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 58-48-50.

«ЗУККО» фирмаси ўқув маркази Сизларни замонавий касбларни ўргатадиган турли ўқишларга ТАКЛИФ ЭТАДИ

1-ойлик: - Тижорат ва озиқ-овқат дўконла-ри учун сотувчилар. Бир ойга 6000 сўм.
2-ойлик: - Ҳар хил торт, салатлар тайёрлаш. Бир ойга 4000 сўм. - Сартарошлик. Бир ойга 4000 сўм. - Массаж (умумий). Бир ойга 4000 сўм. - Уй ҳам-шираси. Бир ойга 4000 сўм.
3-ойлик: - Бичиш-тиқиш. Бир ойга 4000 сўм. - Инглиз тили (бошловчилар учун). Бир ойга 4000 сўм. - Акушерлик. Бир ойга 4000 сўм. - Теле-радио устаси. Бир ойга 4000 сўм.

Энг замонавий усулларда «Элита» пардалари ва чойшабларни тиқиш. Бир ойга 4000 сўм.

1-Манзилимиз: Метронинг «Тинчлик» бекати ёнида жойлашган. Эслаб қолинг: «Зуқко» фир-масининг ўқув маркази. «Адида» дўкони ёни-да. Тел: 42-36-71

2-Манзил: Юнусобод тумани, «Қозғоғистон» кинотеатри биноси ичида.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИҚИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚҲЛЛАР»

Кўйлагини худлик курсларга қабул эълон қилади: ● энг замонавий усул асосида осон ва тез бичиш ҳамда ёлғизлик тиқиш - 4 ойлик; ● парда-лар, чойшаблар - турли хил жиҳазланган, бурмали пардаларни бичиш ва тиқиш - 3 ойлик; ● аёлларнинг замонавий костюм, пальто ва блуздаларини бичиш ва тиқиш - 3 ойлик; ● Замона-вий, ҳар фасла мос эркаклар кийими - 2 ойлик.

Кўйлак, шим, костюмлар — ҳар кунга, классик ва спорт усулига мос — костюм, фрак, нимча, куртка, плаш, пальтолар.

Машгулотлар киник гуруҳларда ҳар кун олиб борилади.

Бизнингларга диплом берилди. Қабул ҳар кун (ажалдан танқари) соат 10 дан 12 гача. Манзилимиз: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бўғим мактаби, 4-қават, 524-хона. Мўжаз: Метронинг «Амр Тезор» бекати. Тел: 133-73-97, 76-71-95.

«ХОЛИС-УМИД» ФИРМАСИ

замонавий касб-хунар курсларига тақлиф этади:

КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИК КУРСЛАРИ: - WINDOWS-2000, Microsoft Office-2000, Microsoft Word-2000, Microsoft Excel-2000, Ms-dos, NC.

- Бухгалтерия ва компьютер билимлари-3 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби -2 ой.
- Инглиз тили (компьютер ёрдамида)-3 ой.
- Акушерлик-6 ой.
- Ҳамширалик-3 ой.
- Аёллар ва эркаклар сартарошлиғи (Машгу-лотлар салоҳида ўтказилади) - 3 ой

ДИҚҚАТ! Ҳар бир курснинг тезкор гуруҳлари мавжуд. Машгулотлар ҳафтада 3 марта олий тоифадаги мутахассислар томонидан амалиёт билан олиб борилади. Мўжаф-фақиятли битирганларга ДИПЛОМ берилди.

МАНЗИЛИМИЗ: «Халқлар Дўстлиги» метроси, «Олмазор» массиви, 8/1-уй, 5-6 йўлаклар, 1-хонадон, 1-қават. Телефон: 47-09-52, 42-76-06.

«САНАМ СЕРВИС»

ўқув маркази ўқувчиларни куйдаги ўқув курсига тақлиф этади:

1. Бичиш-тиқиш - 4 ой
2. Юмшоқ ўйинчоқлар тиқиш - 3 ой
3. Замонавий усулларда «Элита» парда, чойшаб ва бежирим ёстиқлар тиқиш, уй безатиш - 3 ой
4. Фангазелий гул безаклар ясаш - 2 ой
5. Торт, салатлар (келин-куёв ифодаланган торт пишириш) - 3 ой
6. Ҳамширалик (амалиёт билан) - 3 ой
7. Массаж (умумий) - 2 ой
8. Инглиз тили (бошланғич ва давом этти-рувчилар учун) - 3 ой
9. Радио-техника - 3 ой
10. Компьютер - 3 ой

11. Косметология - 2 ой
12. Бухгалтерия - 3 ой
13. Зардўзлик - 4 ой. Ҳамширалик - 2 ой.

1-МАНЗИЛ: Себзор даҳаси, 310-мактаб-нинг 1-қавати.
Мурожаат учун телефонлар: 40-20-59, соат 17.00 дан 22.00 гача.
2-МАНЗИЛ: Глинка-11, ИнтерАзия бино-си, 4-қават, 406-хона.
МЎЛЖАЛ: Педагогика институти ёнида, Бобур боғи ва гул бозори қаршисида. Тел: 54-98-57, 105-20-59, 40-20-59
Лицензия: №05-3850

«ДИЛОРОМ» ўқув маркази тақлиф этади

3 ОЙЛИК

- Инглиз тили(бошловчилар ва давом этти-рувчилар учун);
- Бухгалтерия ва компьютер билими;
- Тиқиш-бичиш, моделлаштириш.

2 ОЙЛИК

- компьютер билимлари: (Windows-98, MS office: Word, Excel, Power Point, E-mail, Internet);
- компьютерларни таъмирлаш ва модерни-зациялаш;
- замонавий бухгалтерия ҳисоби;
- «Элита» услубида замонавий пардалар ва чойшаблар тиқиш.

Тугатилганларга диплом ва сертификатлар бе-рилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Кодирий кўчаси 13, 2-қават, 55- хона. Мўжаз: Навоий метроси, Стomatология поликлиникаси ёнида. Тел: 144-03-25, 144-92-39, 22-59-55

Профессор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергия, бўгин, ошқозон-ичак хасталикларини, касалманд, нимжон болаларни махсус усул-ларда даволайди. Бронхит астма хасталиғида гормонал дориюлар қўллан-майди. Аллергия касалликларини аниқлаб, даволашда турли аллергияларни қўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Уйғур Ҳўжасев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Ав-тобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 42-56-50.

Оилалари тинч, хонадонлари обод эл фаровондир. Оиламизнинг тинчлиги, хонадонларимизнинг ободлиги кўпинча бизга, яъни аёлларимизга боғлиқдир. Албатта, аёлларимиз зиммасига оғир юк, болалар тарбиясидек вазифа юкланган.


Мен учун ҳаёт тугагандек туюлади. Лекин яна Худойимдан кечирин сўраб, онажоним, фарзандларим бахтига омон юришимни тилайман. Биз турмуш ўртоғим билан севишиб оила қургандик. Бири-биридан ширин фарзандларимиз бор. Жуда ҳам ахил ва

шароитда ҳам қайнотамни невараларидан ажратмасликка ҳаракат қилдим, қўлимдан келганича хизматларида бўлдим. Лекин, қайнотам: "Қизим, отанга минг раҳмат, сендан розиман, фақат илтимос, невараларимни мендан узоқлаштирма, хонадоним

нинг ота-онамизнинг иккинчи фарзанди-ку. Наҳотки биз шу оддий тушунчани англай олма-сак. Қайнота-қайнонам мени "келин" эмас, "қизим" деб қабул қилишган. Ҳозиргача қайнотам "қизим" деб чақиради. Наҳотки, биз ўзга хонадонга ўз хонадонимиз, ота-онамиздек қарай олма-сак. Қани эди оиламиз бут бўлса, қайнота-қайнонамнинг бир умр хизматларини қилсам...

"Онажон, ахир унинг оиласи, фарзандларимга ўхшаган фарзандлари бор", - дейман. Онам эса: "Ҳозир икки оилалик одам камми, сен ўзингни эплаб кетасан, биламан қизим, фақат фарзандларингга ота тарбияси етишмайди, улар ҳали ёш гўдак", - деб юрагимни эзганлари-эзган. Икки ўт орасида қолдим. У кишига: "Турмушга чиқмайман", - десам, фарзандларим ўрганиб қолишган. Мен эса: "Оилангиз бор, фарзандларингиз-чи", - десам, у киши

У КИШИНИ ҲУРМАТ ҚИЛАМАН-У...



иноқ эдик. Қариндош-уруғ, таниш-билишлар бизга хавас қилишарди. Жуда ҳам бахтли эдик. Мен ўз корхонамда обрў-этли борлиб оёлман, ишга вақтида бориб, вақтида келадим.

Инсон ҳар нарсадан устун, лекин турмуш бўсағасидан қоқилмасдан ўтиш жуда ҳам қийин экан. Фарзандларим келажаги, бахти учун ҳамма нарсасга тайёрман. Лекин онаганим фарзандлар тарбиясида ёлғиз аёл кишининг ожизлигини уқтирганлиги уқтирган. Ахир, мен нима қилишим керак? Жуда ҳам қийналиб кетдим. Гап-сўзлардан, ёлғизлик, фарзандларимнинг кўнгли яримлиги юрагимни эзиб юборди. Эримнинг хизматдош дўсти, мени хурмат қилади, фарзандларимни ўз фарзандларидек яхши кўради, суюб-эркалатади, доим меҳрибончилик кўрсатади.

оиласи учун ҳамма шароитни яратганлигини, уларнинг ҳеч нимадан камчиликлари йўқлигини таъкидлагани-таъкидлаган.

Албатта, мен у кишини хурмат қиламан, фарзандларимга кўрсатаётган меҳрибончилиги учун яхши кўриб ҳам қолганман. Лекин унинг оиласи бундай вазиятни қандай қабул қилади, бизнинг ҳаётимиздан хабари бўлмаганда ҳам мен фарзандларим, қолаверса виждоним олдида ким деган аёл бўламан? "Қани аёллар иккинчи хотин бўлиб яшашгапти-ку, сени қаеринг кам улардан, нима учун ўзинга, аёллигинга ачинмайсан, ёш умрингни шундай ўтказмоқчимсан", - деб дугоналарим ҳам юрагимга озор берганлари-берган. Мен ҳаётимни фарзандларим билан ёлғиз ўтказмоқчиман. Лекин гап-сўзлардан қийналиб кетдим. Айтнинг, нима қилай, қайси йўлдан борсам, ҳаётим бир оз енгиллашадими. Ахир мени ўзга оилага, унинг ҳаётига аралашшига ҳаққим йўқ-ку.

Ана шу тарбияни биз оналар айниқса, ёлғиз оналар ўз зиммасига олган ҳолда ўзимизнинг хулқ-атворимиз, оилада тутаётган ўрнимиз нимадан иборат эканлигини нутмаган ҳолда олиб боришимиз осон эмаслигини ҳар бир инсон ҳам тушунаверасиз керак.

Мен ўз бошимдан ўтаётган қийинчиликларни оққа кўчираб эканман, жуда ҳам кўп ўйладим. Дугоналаримдан, танишларимдан маслаҳат сўрадим. Лекин, ҳеч кимдан ўзимни қониқтира оладиган, кўнглимга таскин берадиган жавоб топа олмадим.

Ўрадан бир неча йил ўтган бўлса-да, менга яқин меҳрибон кишининг хотираси юрагим тубидан жой олган. Фарзандларимни албатта буважонларини йўқлаб олиб бориб турибман. Қайнотам невараларни кўриб, худди фарзандини кўргандек бир оз таскин топиб, суюб-эркалайдилар. Ҳаёт... Ҳаёт нега бунчалар бешафқат? Биз ҳам оиламиз бағрида тинчгина яшасак бўлмасмиди? Ҳар доим қайнотамникига борганимда юрагим эзил-эзилб қайтаман. Ҳали фарзанд дийдорига тўймаган кишининг сочлари қордек оппоқ бўлиб қолган. Бу манзара албатта инсон юрагига бошқача таъсир қилар экан. Баъзи бир келин-қайноналарга ҳайрон қоламан.

Албатта, биз ҳам у кишини хурмат қиламиз. Фарзандларим ҳам у кишига аллақачон ўрганиб қолишган. Ўз фарзандларидек яхши кўради, суюб-эркалатади. Лекин у оилани, фарзандлари бор. Мен турмушда жуда ҳам қийналаётган бўлсам-да, ўзга кишининг оиласига ҳалакти беришни сира-сира хохламайман. У кишини хурмат қиламан, дилига озор етказишдан қўрқаман. У киши эса аксинча, ҳар гал ҳол-аҳолимиздан хабар олгани келганида менга қанчалик озор беришини ўзи билмайди. Сезаманки у фақат бир нарсани, менинг розилигимни кутади.

Азиз ва меҳрибон онажонлар, умримизга умр тилаб дуо қиладиган бувижонлар, турмушимизда иккинчи она вазифасини бажарадиган, фарзандларимизнинг меҳрибон бувижонлари бўлган қайнонажонлар, мендан ўз маслаҳатларингизни аяманг. Ҳаётимни тўғри йўлга қўйишда ёрдам беринг.



Дунёда энг азиз ва меҳрибон онажоним эса: "Қўзларингда гам кўрмасам, фарзандларингни ҳам, ўзингни ҳам кўзим тиркилигида бахтли кўрсам", - дея дуо қиладилар. Лекин... Мен яқинда ўттиз бир ёшга кираман.

Орадан кўп вақт ўтмай, ёлғиз фарзанднинг доғида қайнонам ҳам дунёдан кўз юмди. Мен ҳар қандай

ди Ахир, қайнота-қайнона бизнинг иккинчи ота-онамиз-ку, биз қайнота-қайнонамизни иккинчи фарзандлари бўлсак, турмуш ўртоғимиз биз-

налаётганини, аламини ичкиликдан олаётганини, аламини ичкиликдан олаётганини, азоб чекаётганини эшитиб юрагим зор-зор йиғларди. Мен ўзимни қўлга олдим ва ўзимни дадажоним хоҳиш ийтирига топширдим. Севгилимнинг мендан кўнгли совиши, мени тезроқ унуттишини истаб уни севмаслигимни, яна бошқа-бошқа ёлғон гапларни айтдим. Чунки унинг изтироб чекишини хохламас-

МАРЖОНА
Қарши

Ушбу мактубни ёзишдан аввал жуда кўп ўйладим. Лекин ичимдаги дард ёзишга мажбур қилди, чунки менга юртдошларимнинг маслаҳатлари керак.

Мен уни (исмини ёза олмайман) жуда севардим. Бутун қалбим, борлигим билан севардим, лекин қизлик гуруримни, ҳаёми бу севгини тан олишга йўл қўймасди. Унда ёш қизча эдим. Унга боғланиб қолмаслик учун севгимни тан олмай, унга бепарқ қарашга ҳаракат қилардим, айна пайтда уни ҳам менга нисбатан бепарқ эмаслигини ич-ичимдан сезардим ва буни дўстликка йўлардим. Ийлар ўтди. Мактабни битириб, олийгоҳга ўқишга кирдим. Ўқишлар билан овунам-да уни бариб, юрагимдан чиқара олмадим. Бир куни у мени анчадан бери севишини, агар бу ҳақда айтса ундан юз ўгириб кетишини ўйлаб, ўз севгисини пинҳон тутиб келгани ҳақида айтди. Ушанда юрагим қанчалик қувончга тўлганини биласизми? Чунки у менинг орзуми, биринчи муҳаббатим эди. Мен жуда бахтли эдим. Гўё бир умрлик орзумга эришгандек эдим. Ўзимни қўлга олдим. Йўқ... осонгина таъбир қўймаслигим керак. Унга бепарвогина: "Биз фақат ҳар доимгидек дўст бўла оламиз", - дедим. Орадан 4 йил вақт ўтди. Шу вақт ичида у йигитлик бурчини адо этиб келди. Мен уни соат санаб, кун санаб интизор кутдим. Келган совчиларга ҳар хил баҳоналарни айтиб, қайтартирдим. Уқшини битириб ишлаб бўладим. Совчилар келиб тинч қўйвермагач, у ҳақда онамга айтдим. Онажоним мени тушундилар, рози бўлдилар

лекин, нима десам йўқ демайдиган жондан азиз кўрган отажоним эса ундан келган совчиларга рад жавобини бериб юбордилар. Ялиниб ёлворганим, кўз ёшларим ҳам қор қилмади. Бошқа иложи қолмагач, у бирга қочиб кетишимиз кераклиги, бўлмаса ҳеч қачон бирга бўлолмаслигимиз ҳақида айтди. Мен ундай қила олмасдим. Севгимдан кечиш бир азоб

налаётганини, аламини ичкиликдан олаётганини, азоб чекаётганини эшитиб юрагим зор-зор йиғларди. Мен ўзимни қўлга олдим ва ўзимни дадажоним хоҳиш ийтирига топширдим. Севгилимнинг мендан кўнгли совиши, мени тезроқ унуттишини истаб уни севмаслигимни, яна бошқа-бошқа ёлғон гапларни айтдим. Чунки унинг изтироб чекишини хохламас-

Нима бўлганда ҳам ўзимизни қўлга олдик, чунки у ҳам, мен ҳам бошқа кишига аталган эканмиз. Биз бир-биримиз учун ярамалган эканмиз.

Турмуш ўртоғимдан ажралишни истамайман. Бу мен учун уят, шармандалик. Лекин у билан яшаш ҳам азоб. Майли, бошимга не қулларни солмасин, чидашга мажбурман. Одамларнинг назариде

ФАРЗАНД КЎНГЛИГА ҲАМ ҚАРАНГ...

бўлса, ота-онам юзини ерга қариб, минг азоб эди. Ўзимни ўзим ўлдирмоқчи бўлдим. Онажоним "ҳеч бўлмаса мени ўйлагин қизим", деб қон қақшаб йиғлардилар. "Ўзингни бос Бону, ахир бу ишинг билан туини бедор ўтказиб, оқ сўт бериб сени катта қилган, ҳар доим сўзингга парвона бўлган онажонингни, орзу-ҳавасини кўрай деб, қийналиб сени олий маълумотли қилган, доим ширин сўзларини аямаган, кўнглинга қараган, лекин муҳаббатингдан айирган дадажонингни адоий тамом қиласан-ку! Ахир шу умид билан улар сени оқ ювиб тарадиларми?!" Бу ички садо мени ушлаб қолди. Мен бу ишни қила олмадим. Фақат меҳрибон онажонимни қаттиқ қучоқлаб йиғлай-йиғлай тақдиримга тан бердим. Азоб чекиб, қийналсам-да, ота-онам обрўсини бир умр оруз қилган ёшлигимдаги пок муҳаббатимдан устун қўйиб, севгимдан юз ўтирдим. Ҳар сафар унинг қий-

дим. Энди бизнинг қўлимиздан ҳеч нарсаси келмасди. Чунки менинг бошим боғланган, дадам уларни қайтариб юбормас эдилар. Бироз вақт ўтиб турмушга чиқдим. Жонсиз бир қўлрочқа айлиниб қолдим. Турмуш ўртоғим ҳам бошқа бир қизни севар, менга ота-она қистови билан уйлانганди. У ҳам ўз севгисини унута олмайди. Чунки ўзим буни бир неча бор гувоҳи бўлдим. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракати гўё "сен бўлмасанг мен ўз севганим билан яшардим", дегандек туюлаверарди. Бу дунёда ўзимни ортиқчадек ҳис қиламан. Кўз ёшларимни тия олмайман. Алдаб-алданиб яшаш жуда оғир экан. Севгилим ҳам тақдирига тан бериб бошқага уйланди. Бир куни уни қўриб қолдим. Биз ҳали ҳам бир-биримизга талпинардик, бир-биримизни кўрсардик. Кўзларимиз тўқнашган, лабаримизда майин табассум, юрагимиз тубига кўмилган муҳаббатимиз эса, исён кўтариб йиғларди.

жуда бахтлидек кўринаман, лекин ичим зардобга тўла. Биринчи муҳаббатимни унута олмайман. Унинг севгиси 10 йилдан бери юрагимга чуқур илдиз отган экан. Уни сугуриб ташлашга ожизлик қилаяман. Ахир 13 ёшдан бери унинг ҳаёли билан яшаб келаётган эдим. Юртдошларим, менга маслаҳат беринг. Нима қилай, қандай йўл тутаёй?

Шу ўринда отажонларга, онажонларга айтмоқчи бўлган гапим бор. Отажон, онажонлар, фарзандларингизга ҳеч қачон ёмонлик соғинмайсиз, лекин қизингизни ўзга хонадонга узатаётганда, ўғлинигизни уйлантираётганда кўнглига оз бўлса-да қаранг. Ахир муҳаббатсиз яшаш оғир-ку! Уларнинг кўзлари ҳеч қачон армон ёшлари билан тўлмасин. Қўнгли мен каби ўксимасин.

Менга армон бўлган севгилимга эзиқ-чичан: Мени унутинг. Қалбингиз изтиробга тўлмасин. Сизга бир гўзал бахтли бўламан, деб не-не орзу-ҳаваслар билан турмушга чиқдимин, бахт кўрсин. Сиз уни севинг, ардоқланг. У бунга лойиқ. Юраги мен каби гапга тўлмасин. Сизга фақат бахт тилайман.

БОНУ
Қашқадарё

Эзинг илк кунлари эди. Мен ўшанда 17 ёшли киз эдим. Мен танишган Хуршид ака секин-аста бўлса-да, ҳаётимга батамом кириб келади, деб сира ўйламаганим. Мактаб даврида ҳам кўп йигитлар севги изҳор этиб, бу мағрур бошимни эголмаган, кайсар кўнглимни ўзига бўйсиндира олмаган эди. Мен ҳаммасига бепарво, беписанд қарардим. Дугоналаримнинг хавас кўзи билан бокиши эса менинг ўжарлигимни янада орттирарди ва бундан завқланардим. Мактабни битириб, Тошкент билим юрталаридан бирига сиртки бўлимга қабул қилдим. Бу эса туманимизда менинг янада кўларга кўтарилишимга сабаб бўлди...

Ёғи таътилда, ўзимиздан бир оз узокроқ бўлган тоғли қишлоқда жойлашган оромгоҳда тарбиячи бўлиб ишлаб бошладим. Тез орада қишлоқликлар меҳрини қозондим. Хамма менга хавас билан қарар, хурмат-эҳтиром кўрсатарди. Мен билан бир гуруҳда Хуршид исмли йигит ўғил болалар учун тарбиячи сифатида ишга олинди. У шаҳарда — институтда ўқир экан. Оромгоҳ директори эса унинг амакиси бўлиб, негадир доим мени кузатиб юрар, хурмат қиларди...

Хуршид билан биз самимий муносабатда ишлаб юрдик. У менга жуда меҳрибон эди. Менинг ҳаётим билан, муҳаббатим билан қизиқар эди. Мен унга жавобан, йигитларни ёмон кўришимни, айниқса севги изҳор этганларни ёқтирмаслигимни айтганимда негадир у хоמוш тортиб қолди. Мен эса бунга эътибор бермай, ҳеч кимни севмаслигимни айтиб, бир умр шундай ўтишимни қўшиб қўйдим. Салгина кайфиятим туҳса атрофида парвона бўлар, хурсандлигимда у ҳам бирга ўйнаб-қуларди. Орадан кунлар ўтиб борар, у эса тобора менга ўзини яқин тутарди. Бундан атрофдагилар ва дугоналарим маъноли қараш қилиб, кулиб қўйишарди. Кетишимизга оз кунлар қолганда, у яқин дугонам — Нодирага менинг ишқимда куйиб-ёнишини баён этибди. Лекин, буни менга билдирмаслиги кераклигини қаттиқ илтимос қилибди. Ақс ҳолда у билан гаплашмай қўйишимдан кўрқисини айтибди. Лекин Нодира Хуршидга яхшилик қилиш ниятида, менга бу сирни ошкор этди. Мен бу гапни эшитиб, Хуршиддан ранжидим, уни кўрганим кўзим қолмади, энди уни жерқишга, беписандликка ўтиб олдим. Тўғриси айтиш керак, мен унинг олдида ўзимни баянлаб тутардим. У эса барчасига сабр-бардош билан чиқарди. У менинг кўрс гапларимга жавобан уэр сўраб, айб ва гуноҳ ўзидалигини, айби қаттиқ севиб қолганда эканини, лекин севгиш гуноҳ эмаслигини, мени бир умр севиб яшашини, доим ёнида бўлишини унинг учун улкан бахтлигини айтарди. Мен эса бундан баттар жаҳл отига миниб, уни хафа қилардим...

Оромгоҳ тоғнинг бағрида жойлашган бўлиб, тез-тез ҳаво айниб турар, момақалдирок ва чакмоқ қақишлар доимий одат тусига кирган эди. Мен эса, аксига олиб бу табият ҳодисаларидан азбаройи қўрқардим. Эсимда, уйда ҳам дадамлар кўпроқ мендан ташивиш тортардилар. Чунки уйдагилар, қолаверса, синфдошларим ҳам менинг бу қадар кўрқоқлигимдан ёқа ушлашарди. Агар ҳаво ўзгариб қолса синфдошларим дарров мени кузатишар, уйда онам, дадам, ҳатто сингилларим мени ўйлаб, хавотир олишарди. Табиийки, оромгоҳда ҳам менинг бу ҳолимдан барча хабар топди. Кўплари устимдан кулишар, баъзилари хайрон қолишарди. Лекин Хуршидди менга раҳми келар, кўрқмаслигим учун барча чораларни кўрар, тезроқ чакмоқ тишини хоҳларди. Мен эса шундай пайтлардагина унинг гамхўрлигини, жонимга оро киришини қисман ҳис этардим. Кунлардан бир кун, доимо қочиб пайига тушиб юрадиган, назорат остига олинган бир


бола йўқолиб қолди. У менинг гуруҳимдан эди. Шу боис кеч тушиб қолганига қарамай, катта бог томон йўл олдим. Унинг уйига шу бог орқали ўтса бўларди. Мен югуриб оромгоҳдан анчагина узоқлашиб қолибман. Хуршид мени сўроқлаб қидирса бир бола йўқолиб қолганлигини ва мен уни излаб бог томон кетганимни эшитиб ортимдан югурибди. Бахтга қарши яна ҳаво ўзгариб, момақалдирок қарсиллаб бошлади. Мен эса шундагина кўрқиб кетиб, кўзларимни юмиб олдим, ҳам адашиб қолдим, ҳам қоронғуликда чакмоқ қақар, аксига олим боладан дарак йўқ эди. Не қиларимни билмай, хушим борми-йўқ ўти-

ди. У қайтиб кўнғироқ ҳам қилмади, қайтиб қорасини ҳам кўрсатмай қўйди. Орадан олти ой ўтди. Шу вақт ичида мен шу нарсга амин бўлдимки, мен ҳам уни ёқтириб қолибман, унга ихтиёрсиз равишда боғланиб, урганиб қолибман... Кунлардан бир кун ўзим истагандек уйга харбий йигитдан совчилар кела бошлади. Мен эса энди унга кўнғироқ қилардим. У эса гўё менлигимни билгандек гўшакни ўзи олмас эди. Орадан икки ой вақт ўтди. Шу икки ой орасида уни на ердан, на кўздан топа олмадим. Совчилар эса атайин қилгандек шоширишар, мен эса бир марта бўлса ҳам у билан гаплашиб илинжида эдим. Чунки

тура олмадим. Бир соатга кўз ташламан, бир ойимга ёрдамлашман. Вақт эса гўёки учиб бораётганди. Ва ниҳоят соат 10 яримда белгиланган жойга етиб бордим. Одамлар гавжум, мени кўзларим эса фақат бир кишини изларди. Аммо... У йўқ эди. Уша кун байрам қандай ўтганини ҳам билмай, кечгача балки у мени қидириб топар, дея айландим... Минг афсуски у келмади. Уйга ҳам кечда мунгайиб бордим. Улар эса тўйни август ойига белгилашди. Мен эса тақдирга тан бериб, қисматимдан куёниб ўшаё бошладим. Орадан бир ҳафта ўтгач, ишқонамиздаги дугонам, «Сохиба! Сени ташқарида бир йигит чақирапти!»,- деди.

Мен эса харбий йигит — М. келган, деб ўйладим. Чунки шу бир ой ичида бошқа шаҳарда ишлашига қарамай, у кун ора кел-

ТўЙИМ ЯҚИН, ЛЕК...!



ҳаётда ҳеч ким мени у каби сева олмаслигини қалбан сезардим. Охири ўша Нодира исмли қиздан унга гапим борлигини, жуда ҳам зарурлигини айтиб юбордим. Лекин ундан дарак бўлмади. Шундай кунларнинг бирида катта опам Хуршиддан ягона эсдалик бўлиб қолган ўқувчилар билан тушган суврати-мизни кўриб қолдилар. Беихтиёр менга: «Вой, мана бу йигит ким, мунча истарали бўлмаса, қара, юзидан нур ёғилиб турибди-я», - деб қолдилар. Мен эса ёнидаги дугонамни кўрсатиб: «Шу қизнинг йигити», - дедим. Опам эса: «Шу қизнинг бахти бор экан, шундай йигит уни севибди», - дедилар. Мен эса опамни гаплари нақадар тўғрилигини, Хуршид ҳақиқатдан ҳам ҳар томонлама етук инсонлигини, ҳар қандай қизни бахтли қила олишини ўйлаб, қилган хатоларимдан афсусланардим...

Мана, баҳор ақинлашиб қолди. Яқинда Наврўз кириб келади. Шундай кунларнинг бирида Хуршидга яна кўнғироқ қилдим, гўшакни унинг ўзи олди. Мен бир оз ҳаяжонланиб, сўнг унда зарур гапим борлигини, тезроқ урашимиз кераклигини айтдим.

У эса хайрон! Ва ниҳоят 21 март кунини мени ишхонам олдида соат 8 дан10 гача кутиб туришини айтди. Биз ҳайрлашдик. Мен бундай бахтдан сармаст эдим. Энди кунларни санай бошладим. Кунлар эса жуда имиллаб ўтарди. Лекин негадир кўнглим ғаш бўлаверди. Худди уни энди бошқа учрата олмайдигандек ҳис қилардим ўзимни. Баъзан қиз бола бўлиб, ўзим биринчи бор йигит қишига телефон қилганимдан ва ҳатто учрашувга таклиф этганимдан уялиб кетардим... Мана, ниҳоят мен кутган чинакам байрамга атиги бир оқшомгина қолди. Тонг отиши билан унинг хузурига чопаман,оёғига йиқилиб уэр сўрайман, у албатта мени севади ва кечиради...

Эрта тонгда яхши кайфият билан туриб, ҳамма ёқни чинидек қилиб тозалаб, ўзимга оро бериб эста соатга қарардим. Соат 8 ярим. Энди дарвозадан чиқшимни биламан, икки эркак киши саломлашиб, дадамни сўраб қолди. Мен ҳам улар билан сўрашиб, уйга таклиф қилдим. Ойим эса: «Қизим, яна ўша харбий йигитдан совчилар келишибди, улар сени бугун бошимни боғлаб кетишмоқчи», - деб қолдилар. Мен эса довдираб қолдим. Бир умр ўйимга нигорон бўлиб кутаётган Хуршидди кўз олдимга келтириб: «Ойижон, бугун оқшом айтаман», - дедим. Ойим эса меҳмонларга овқат тайёрлашга киришдилар. Мен ҳам қараб

либ турар, мени бахтли қилиши, мени жондан ортиқ севиши ҳақида ёниб гапирардим. Мен мажбуран у билан учрашардим-у, хаёлим Хуршидда эди. Лекин мен М.нинг олдида вужудан қийналардим. У менга жуда-жуда ишонарди ва «Сохиба, биласиз отамдан айрилдим. Ҳаётнинг бу зарбасига чидадим. Лекин сиз ҳам мени ташлаб кетсангиз, менинг яшашимда мазмун қолмайди, иккинчи зарбага чидай олмаман», - дея таъкидларди. Шу ўйларда аста зинадан тушиб бораётди негадир юрагим увишиб кетди. Ташқарига чиқиб не кўз билан кўрайки, мен анчадан бери излаб юрган, бедарак йўқолган севглим, яъни Хуршид мени кутиб турарди. Турган жойимда қотиб қолдим. У эса хурсанд, бироз каловланиб, мен билан аста сўрашди. Мен эса лом-мим демай қотиб туравердим. Ҳаётнинг бу қилигидан эсанкираб қолдим. Чунки аллақачон бизнинг туманда тўй ҳақида гап-сўзлар авж олган эди. Ва ниҳоят, мен унга яна азалий одатим, кўрс муомалада бўлиб, уни салволарга кўмиб ташладим. Лекин илк бор унинг ёнида қалтираб, ҳаяжонда турардим. Унга шу кунгача бошимдан ўтганларимни, уни излаб бесамар кезганларимни, уни ёқтиришимни, аммо энди яқин орада тўйим бўлишини, лекин у йигитда эса кўнглим йўқлигини айтдим. У эса айни пайтда на хурсанд бўлишини на хафа бўлишини билмасди. Чунки мени қалбимда унга нисбатан ишқ туйғусининг ниш уриши у учун анчадан бери қутилаётган бахт эди! Такдирнинг бу қалтис ўйинига эса иккови-миз ҳам лолу-хайрон эдик. Хуршид мени ҳали-хануз севишини, бу туйғу тобора унинг қалбини ёндириб ором бераётганлигини, ҳали ҳам кеч эмаслигини ва у мени албатта бахтли қилаганини кўзларида ёш билан гапирди берди. Лекин мен уни бу уринишлари бефойдалигини ва гиш қолидан кўчганлигини айтиб, оркамни ўғириб кетаётсам, у биринчи бор, ҳа-ҳа биринчи бор менга баянлаб овозда бақирди. Қарасам, кўзларида ёш, кўллари нимагадир титрар, у унсиз йилларди. У тўйни тўхтатишини, оиласи ва ўзи мени чин дилдан севишини айтиб, ялиниб ёлворди. Унинг севгисидан уйдагилару, қариндош-уруғлар хабардор эканликларини, мен ҳаммаларига маъқул келганим, ҳатто менга лойиқ тўй либосларини харид қилишаётганини айтиб йилгади...

Менинг эса бошим қотди. Эл озгига элак тутиб бўлариди. Дадам унга бериш тугул, ҳатто фотиҳани бузиш тўғрисида ўйлаб ҳам ўтирмайдилар. Шундай қилиб мен ўзим суйган қалб эгасига эмас, ўзим суйган касб эгасига фотиҳа қилдим.

Азиз «Оила ва жамият» газетаси мухлислари, опажонлар, акажонлар, момолар мени асосатдаги қизингизга йўл кўрсатинг, нима қилсам ҳаётда ўз йўлимин топиб, бахтли бўлиб кетаман?... Маслаҳатингизга муҳтожман...

Наманган

СОХИБА

Муаллиф фикри тахририят нуқтан назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.
Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темури кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахо наси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - {якка обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 3126. Формати А-3, ҳажи 2 босма тобоқ.
Баҳоси эркин нарҳда. Адажи — 30 000
Саҳифаловчи — Жаъфар ЖАББОРОВ.
Рассом — Набижон ХОЛМУРОВОВ.
Навбатчи - М. СОДИКОВ.